


**ЎЗБЕКИСТОНДА ИЛМ-ФАН, ТАЪЛИМ
ВА ТЕХНОЛОГИЯНИ ИННОВАЦИОН
РИВОЖЛАНТИРИШ**

*(мавзудаги илмий-назарий онлайн конференция
материаллари тўплами)*



**ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
НАМАНГАН МУҲАНДИСЛИК-ҚУРИЛИШ ИНСТИТУТИ
ИЖТИМОИЙ ФАНЛАР КАФЕДРАСИ**

**ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИ ТАСАРРУФИДАГИ
ФАРГОНА ВИЛОЯТИ “БАРКАМОЛ АВЛОД” БОЛАЛАР
МАКТАБИ БЕШАРИҚ ТУМАНИ БЎЛИМИ**

“SCIENCE OF WORLD” ILMIU PORTALI

**ЎЗБЕКИСТОНДА ИЛМ-ФАН, ТАЪЛИМ ВА ТЕХНОЛОГИЯНИ
ИННОВАЦИОН РИВОЖЛАНТИРИШ**

мавзудаги илмий-назарий онлайн конференция материаллари тўплами

Наманган-2020 йил, 10-декабр.

Аллаберганов А.С., ХИВА ХОНЛИГИНИ ЧОР РОССИЯ ТОМОНИДАН БОСИБ ОЛИНИШИНинг САБАБЛАРИ	105
Ziyayeva Z.Z., LINGUO DIDACTIC FEATURES OF INTEGRATION IN TEACHING FOREIGN LANGUAGES	106
Хайдарова Н., НЕТРАДИЦИОННЫЕ ТЕХНОЛОГИИ ОБУЧЕНИЯ УЧАЩИХСЯ НАЧАЛЬНОГО ОБРАЗОВАНИЯ	107
Хакимбекова Ю., ЧЕТ ТИЛИ ЎҚИТИШДА МЕТОДИК ПРИНЦИПЛАР	108
Юсупова Л.С. ГЛОБАЛЛАШУВ ШАРОИТИДА ЗАМОНАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРНИНГ ЁШЛАР МАЊНАВИЯТИГА ТАЪСИРИ	109
Мухитдинова К., ТРАНСПОРТ ХИЗМАТИ БОЗОРИДА ИНВЕСТИЦИЯ	111
Айсарова Д.Э. БАРКАМОЛ АВЛОД ТАРБИЯСИДА ТАРИХИЙ ДУНЁҚАРАШНИНГ АҲАМИЯТИ	112
Низамова Ф., ТИЛНИ ЎҚИТИШДА ЁЗИШ КЎНИКМасини Ривожлантириш	113
Юсупалиева Д., ВЗАИМОВЫГОДНЫЕ ОТНОШЕНИЯ УЗБЕКИСТАНА И ТУРЦИИ	115
Ғаниева О., 1930-ЙИЛЛАР АҚШ ТАНҚИДИЙ РЕАЛИСТИК АДАБИЁТИ ХУСУСИДА	117

бизнес-форумов были подписаны многочисленные контракты с представителями крупного и среднего бизнеса. Их общая сумма составила порядка 3 млрд. долл. [5.с.1].

В этой связи обращает на себя внимание подписание в ходе визита Т.Эрдогана в Ташкент документа о создании Совета стратегического сотрудничества высшего уровня, возглавляемого главами государств двух стран.

Кроме того, Президент Республики Узбекистан Ш.Мирзиёев присоединился к Совету сотрудничества тюркоязычных государств, созданному в 2009 г. по инициативе Турции.

Большое значение для дальнейшего углубления сотрудничества имели документы, подписанные во время официальных визитов в Турцию Президента Узбекистана Ш.Мирзиёева, состоявшихся в октябре 2017 г. и в феврале 2020 г.

Сотрудничество между двумя государствами приводит к конкретным результатам в сфере производства тканей и готовой одежды, переработки сельскохозяйственных продуктов, в создании совместных предприятий, подготовке кадров, развитии туризма и других областях.

Таким образом, между Узбекистаном и Турцией проводится открытая, взаимовыгодная и конструктивная политика, основанная на национальных интересах страны.

Список литературы

1. Хидоятов Г.А. Всемирная история. Т., 2000.
2. Хидоятов Г.А. Всемирная история. Т., 2000.
3. Народное слово. 17 декабря 1991 года.
4. Усманов К. История Узбекистана. Т., 2006.
5. Народное слово. 1 мая 2018 года.

1930-ЙИЛЛАР АҚШ ТАНҚИДИЙ РЕАЛИСТИК АДАБИЁТИ ХУСУСИДА

О.Х.Ғаниева, ўқитувчи
БухДУ

Annotation: In the following article the US literature in the XX century is analyzed. The author explains the representatives and their contribution to the development of the period.

Key words: American tragedy, fate, society, nation, significant, writer, novel.

Ҳар бир миллат адабиётида бўлганидек, XX асрда АҚШ адабиётидаги ривожланиш ҳамда тараққиёт юқори нуқталарга етди. Айниқса, икки жаҳон уруши орасидаги йигирма йиллик давр “олтин аср” бўлганини бир қатор адабиётшунослар таъкидлашди. 1920-1930-йилларда АҚШ реалистик адабиёти ривожи юқори нуқталарга етгани боис, бу икки ўн йиллик иккинчи уйғониш даври деб аталди [3,4]. Бу жараёнда яратилган асарлар ижтимоий муаммоларнинг кескин ёритилиши, миллий рух, ҳалқ дарди ва жамиятдаги адолатсизликга қаратилган ғояга эгалиги билан аҳамиятидир.

Америка фожиаси ҳакида бутун дунёга сўзлаб берган XX аср АҚШ адабиётининг 20-йилларидан кейин ҳалқ қалбидаги ғазаб учқунларини ифодалаган 30-йиллар дунёга келди. Белоруссиялик адабиётшунос олима И.Шабловская АҚШ адабиётидаги 1930-йилларни “қизил ўн йиллик” деб эътироф этади [5,286]. Ижтимоий, сиёсий ва иқтисодий таназзулнинг кучлигини инобатга олганда, миллатнинг қисқа тарихида бунга ўхшаш бошқа давр бўлган эмас. Бу эса танқидий реализмнинг кучайишига олиб келди. Ижодкорлар ҳалқ онгига чукур ўрнашган Америка фожиасини мукаммал ўрганишга ва асарларида тасвирлашга ҳаракат қилишиди.

Америка адабиёти 30-йилларида исёнкор ва танқидий анъаналарнинг ўсиши бир қатор АҚШнинг энг яхши ёзувчиларига шафқатсиз қарши чиқиш билан бирга кечди. Уларнинг кўпчилиги курашнинг қийинчиликларига чидай олишмади ва бормоқчи бўлган йўлларидан воз кечишиди. Бу воз кечиши эвазига улар ўз иқтидорларидан маҳрум бўлишди. Адабиётшунос В.Толмачёвнинг фикрича, АҚШ адабиётининг залворли 30-йиллари ўз адабий тамойилларни аниқлаб олиш билан бирга, Хемингуэй (“To Have and Have Not”, 1937), Фолкнер (“Light in August”, 1932), Вульф сингари адиблар фаолиятида мураккаб ва ижодий таназзулга қадар олиб келган омиллардан бири бўлди, шунингдек, танқидий-ижтимоий руҳда ёзилган романларнинг проблематикасини ҳал қилувчи асос бўлиб хизмат қилди [4,259].

Америка фожиаси мавзусини асарларида кўтариб чиқган дастлабки адиблардан бири Шервуд

Андерсондир. Унинг “Winesburg, Ohio: A Group of Tales of Ohio Small Town” ҳикоялар түплами АҚШ адабиётида урушдан кейинги даврдаги бир қатор ёзувчилар ижодига ўз таъсирини кўрсатди. Муаллиф унда “галати инсонлар” ёлғизлиги ва жамиятга ётлиги, Америка андозаларига мос келолмай, хукмрон ҳаётдан четда қолган кишиларни тасвирлади. Шервуд Андерсон бошқа ижодкорлар билан таққослаганда, унча кўп қалам тебратмади, аммо бир қатор носирлар ижодига туртки бўлди. Унинг номи миллат адабиётидан мустаҳкам ўрин эгаллади.

30-йиллар адабиёти ривожи бир қатор сара ёзувчиларнинг демократик ва ижтимоий ғояга эга халқ оммаси билан бирлашишига олиб келди. Ўз навбатида, бундай жараён Америка адабиётига сезиларли таъсир кўрсатди. Синклер Льюис, Жон Стейнбек, Жон Дос Пассос сингари ёзувчиларни оддий инсон турмуши ва жамиятдаги ижтимоий гурухлар тақдирига бўлган безовталик ҳисси бирлаштириди [2,72]. Синклер Льюис касбий умумийликка эга гурухлар ҳаётини ўзининг “Arrowsmith” романида (шифокорлар), “Babbitt” асарида (маҳаллий тадбиркорлар) ёритди. Жон Стейнбекнинг “The Grapes of Wrath” романида оиласлар тақдири бош мавзуга айланган бўлса, Дос Пассос “U.S.A.” трилогиясида ўн битта асосий қаҳрамонлар орқали шаҳарлик жамоалар қисматини тасвирлади. Бу давр носирлари асосан ижтимоий огоҳлантирувчи романлар яратиши.

Синклер Льюис адабиёт йўналишида Нобель мукофотига сазовор бўлган илк американлик ёзувчи сифатида ўзининг самимий ижодий услуби, бетакрор поэтик маҳорати билан жаҳон адабиёти ривожига салмоқли ҳисса кўшди. 1920 йилда ёзилган “Main Street” асарида турмуши бир зайлда кечувчи, иккюзламачилик авж олган Миннесотадаги кичкина шаҳар ҳаётини танқид қилса, “Arrowsmith”да коррупция ва ҳасадгўйлик хукмрон жамиятда шифокорнинг тиббий этикасини асраш учун уринишларини тасвирлади.

Мунаққид В.Богословский эътирофича, Синклер Льюис мазкур романни орқали АҚШ буржуа жамиятида илм-фаннинг ҳолатини тасвирлай олган илк ижодкордир [1,224]. Асарда ғаразли оламга қарши турса олган инсонпарвар-олимнинг образи гавдаланади. Муаллиф қаҳрамонинг умидсизликлари, интилишлари, изланишлари, характерини ишонарли ва психологик теран акс эттира олди. Бэббит эса шу номли романнинг бош қаҳрамони бўлиб, ёзувчи асарда американлик тадбиркорнинг ёрқин сатирик суратини сўз ёрдамида чизиб берди. У оддий Америка шаҳарчаси Зенитда истиқомат қилади, ахлоқли, ташаббускор ва бизнес замонавий ҳаётга бўлган янги илмий ёндашув эканлигига ишонади. Аммо воқеалар ривожланган сайин Бэббит маънан кашшоқ, манфаатпараст кимсага айланиб қолади. Синклер Льюиснинг энг катта адабий маҳорати чинакам инсоний характерларни яратадир. “Babbitt”да буржуа жамиятининг қарама-қаршиликлари анча чукур акс эттирилди. Ижодкор АҚШ жамияти қатламларининг теран тасвири орқали, ундаги маънавий инқизозга юз тутган ва ахлоқий қашшоқ одамни шу қадар маромига етказиб яратадики, реал ҳаётда ҳам бундай манфаатпарастларга нисбатан “бэббит” сўзи муомалага кириб келди. Асарнинг адабий қийматини белгиловчи мухим омиллардан бири адебнинг кинояли услубидир. У қаҳрамонини, унинг хулқи, ўй-фикрлари, кийими, уйи, дўст ва танишлари, уни ўраб турган жамиятни кесатиб ёритди. Синклер Льюис АҚШ адабиётида забардаст реалист, ажойиб сатирик сифатида кириб келди, аммо буржуа жамияти асосларига қарши чиқмади, аксинча, ундан ҳалол ва раҳмидил тадбиркорларни топишга ҳаракат қилди.

Хулоса қилиб айтганда, XX асрнинг 30-йиллар адабиёти давр ўзгаришларини кескин акс эттира олган асарлари билан из қолдирди. Бу жараёнда Синклер Льюис, Жон Стейнбек, Жон Дос Пассос сингари ёзувчилар оддий инсон турмуши ва жамиятдаги ижтимоий гурухлар тақдирига бўлган ҳамдардликларини ўз романларида шу қадар реал тасвирлашди, бу мамлакатда ислоҳотлар ўтказилишига туртки бўлди. Америка фожиасини сўзлаб бера олган мазкур санъат намуналари эса жаҳон адабиётидан мангуда ўрин эгаллади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Богословский В., Гражданская З. История зарубежной литературы XX века. 1917-1945. – М.: Просвещение, 1990. – С. 431.
2. VanSpanckeren Kathryn. Outline of American Literature. – USA: The US Department of State, 1994. – Р. 116.
3. Засурский Я.Н. Американская литература XX века.-М.: МГУ, 1984. С.640.
4. Толмачёв В. Зарубежная литература XX века. – М.: Academa, 2003. – С. 259.
5. Шабловская И. История зарубежной литературы. (XX век, первая половина). – М.: Экономпресс, 1998. –С. 382.